



ДАВЛАТ ВА ХУСУСИЙ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Хўжаёров Ҳаёт Бахтиёрович

ISFT институти Самарқанд филиали, “Иқтисодиёт ва ахборот
технологиялари” кафедраси в.б.доценти, PhD

<https://orcid.org/0000-0003-0219-2782>

Annotatsiya

Ушбу мақолада давлат ва хусусий тижорат банклари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлашнинг долзарблиги, мавжуд муаммолари ва уларни ҳал этишда технологик ҳамда инновацион ёндашувлар таҳлил қилинади. 2019–2024 йиллар давомидаги статистик маълумотлар асосида Ўзбекистон банк тизимидаги ҳамкорлик шакллари, фаолият динамикаси ва рақамли трансформация тенденциялари тадқиқ қилинган. Шунингдек, “Ipoteka Bank” ва “OTP Bank”, “Kapitalbank” ва “Milliy Bank”, “Hamkorbank” ҳамда финтеч компаниялари ўртасидаги амалий ҳамкорлик тажрибаси ўрганилган. Мақолада келтирилган таклифлар рақамли инфратузилмани кучайтириш, API интеграцияси, киберхавфсизлик ва инновацион молиявий маҳсулотларни жорий этишга қаратилган.

Аннотация

В данной статье рассматривается актуальность и проблемы взаимодействия между государственными и частными коммерческими банками, а также предлагаются технологические и инновационные подходы к их решению. На основе статистических данных за 2019–2024 годы проанализированы формы сотрудничества в банковской системе Узбекистана, динамика развития и тенденции цифровой трансформации. Особое внимание уделено практическому опыту партнерства между “Ipoteka Bank” и “OTP Bank”, “Kapitalbank” и “Milliy Bank”, а также “Hamkorbank” и финтех-компаниями. Предложенные рекомендации направлены на развитие цифровой инфраструктуры, API-интеграции, кибербезопасности и внедрение инновационных финансовых продуктов.

Annotation

This article explores the relevance and challenges of cooperation between state and private commercial banks, highlighting technological and innovative solutions to

enhance such collaboration. Based on statistical data from 2019–2024, the study analyzes cooperation models, development dynamics, and digital transformation trends in Uzbekistan's banking sector. Practical case studies involving “Ipoteka Bank” and “OTP Bank,” “Kapitalbank” and “Milliy Bank,” as well as “Hamkorbank” and fintech startups are examined. The proposed recommendations focus on strengthening digital infrastructure, promoting API integration, ensuring cybersecurity, and introducing innovative financial products.

Kalit so‘zlar

банклар ҳамкорлиги, давлат-хусусий шериклик, рақамли трансформация, финтех, API, киберхавфсизлик, молиявий инновациялар.

Ключевые слова

сотрудничество банков, государственно-частное партнёрство, цифровая трансформация, финтех, API, кибербезопасность, финансовые инновации.

Keywords

bank cooperation, public-private partnership, digital transformation, fintech, API, cybersecurity, financial innovation.

Кириш

Ҳозирда глобаллашув жараёнлари ва бозор иқтисодиётининг ривожланиши шароитида давлат ва хусусий тижорат банклари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Банк тизими ҳар қандай давлатнинг молиявий барқарорлигини таъминловчи асосий механизмлардан бири бўлиб, унинг самарали фаолияти иқтисодий ўсишнинг муҳими омили ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, давлат ва хусусий тижорат банклари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш, уларнинг биргаликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва молиявий бозорда барқарорликни таъминлаш иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда.

Бугунги кунда давлат ва хусусий тижорат банклари ўртасида ҳамкорлик механизмларини ривожлантиришда бир қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, банклараро ўзаро ишонч даражасининг пастлиги, ресурсларни биргаликда сафарбар қилиш механизмларининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги, молиявий хавфсизлик ва рискларни бошқаришдаги муаммолар шулар жумласидандир. Шунингдек, банк тизимида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий-меъёрий базаси ва амалий механизмларини такомиллаштириш зарурати мавжуд. Шу жиҳатдан ҳам, давлат ва хусусий тижорат банклари ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш йўллари аниқлаш, самарали ҳамкорлик моделларини ишлаб чиқиш ҳамда банк секторининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи механизмларни таклиф этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар таҳлили

Давлат ва хусусий тижорат банклари ўртасидаги ҳамкорликни таҳлил қилишда МДХ ҳамда маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

МДХ мамлакатларида давлат улуши мавжуд тижорат банкларини хусусийлаштириш масалалари бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, Россияда давлат банкларини хусусийлаштириш жараёнида учрайдиган муаммолар ва уларнинг ечимлари ўрганилган. Бу тадқиқотларда давлат улуши мавжуд банкларни хусусийлаштириш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш, рақобат муҳитини яхшилаш ва молиявий хизматларнинг сифатини кўтариш имкониятлари таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда ҳам давлат ва хусусий тижорат банклари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, давлат улуши мавжуд тижорат банкларини хусусийлаштириш масалалари ўрганилган бўлиб, бу борадаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари таҳлил қилинган. Бу тадқиқотларда хусусийлаштириш жараёнида учрайдиган муаммолар, жумладан, муаммоли активларни бошқариш, банкларнинг ликвидлилигини таъминлаш ва рискларни баҳолаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган [1].

Тадқиқотларда давлат ва хусусий тижорат банклари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда қуйидаги муаммолар кўтарилган ва уларнинг ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқилган:

банклар балансидаги муаммоли активларнинг юқори улуши молиявий барқарорликка таҳдид солади. Бу муаммони ҳал қилиш учун самарали бошқарув механизмларини жорий этиш зарур. Хусусийлаштириш жараёнини такомиллаштириш: Давлат улуши мавжуд банкларни хусусийлаштириш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш ва рақобат муҳитини яхшилаш тавсия этилган [2].

банкларнинг ликвидлилигини таъминлаш мамлакат банк тизимининг барқарорлигини таъминлашнинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Муаммоли активларни бошқариш: Муаммоли активларни самарали бошқариш учун махсус тузилмалар ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини қонунчилик асосида тартибга солиш таклиф қилинган [3].

банкларда рискларни самарали баҳолаш ва бошқариш механизмларининг етарли даражада ривожланмаганлиги молиявий хатарларни оширади. Банкларда рискларни баҳолаш ва бошқариш тизимларини такомиллаштириш, халқаро стандартларга мослаштириш тавсия этилган [4].

Умуман олганда, давлат ва хусусий тижорат банклари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш ва таклиф этилган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Давлат ва хусусий тижорат банклари ўртасидаги ҳамкорлик масаласи бўйича ҳам олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. М.Маҳмудова томонидан давлат банкларининг улушини хусусий секторга ўтказишга қаратилган ислохотларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ масалалар ёритилган [5].

М.Тожиев тадқиқотда тижорат банклари фаолиятидаги риск ва фойдалилик ўртасидаги оптимал даражага эришиш масалалари ўрганилган. Бозор муносабатлари шароитида тижорат банклари ўз фаолиятлари билан боғлиқ рискларни бошқа ҳўжалик субъектларига нисбатан кўпроқ ўрганишлари лозимлиги таъкидланган [6].

Ушбу тадқиқотлар давлат ва хусусий тижорат банклари ўртасидаги ҳамкорликнинг турли жиҳатларини ёритиб, соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича илмий асосланган таклифлар беришга қаратилган.

Методология

Ушбу тадқиқотда таҳлилий, муқоясали ва кейс-стади усуллари асосида давлат ва хусусий тижорат банклари ўртасидаги ҳамкорлик ҳолати ўрганилди. 2019–2024 йиллар давомидаги статистик маълумотлар таҳлил қилиниб, банклараро ҳамкорлик динамикаси ва рақамли хизматларнинг ривожланиш тенденциялари аниқланди. “Ipoteka Bank” ва “OTP Bank”, “Kapitalbank” ва “Milliy Bank” ҳамда “Hamkorbank” ва финтех компаниялари ўртасидаги амалий тажрибалар чуқур ўрганилди. Илмий манбалар ва норматив ҳужжатлар таҳлили орқали назарий ва ҳуқуқий асослар баҳоланди. Умумий хулосалар индуктив ва дедуктив ёндашувлар асосида шакллантирилди.

Таҳлил ва натижалар

Давлат ва хусусий тижорат банклари ўртасидаги ҳамкорликни таҳлил қилиш учун 2019-2024 йиллар оралиғидаги статистик маълумотларни кўриб чиқамиз. Бу даврда Ўзбекистон банк тизимида сезиларли ўзгаришлар юз берди, хусусан, давлат банкларини хусусийлаштириш жараёнлари амалга оширилди.

2019 йилдан 2024 йилгача тижорат банкларининг умумий активлари ва кредит портфели барқарор ўсиш тенденциясини кўрсатди. Масалан, 2022 йилда тижорат банклари кредитлари ҳажми 390,1 триллион сўмни ташкил этди [7]. Бу ўсиш иқтисодиётнинг турли секторларига, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган кредитларнинг кўпайиши билан боғлиқ.

Тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳажми ҳам ошди. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётнинг реал секторидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилди. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган кредитлаш ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди [8].

Банкларнинг молиявий барқарорлиги ва рискларни бошқариш тизимлари такомиллаштирилди. Тижорат банкларининг молиявий кўрсаткичлари, барқарорлик даражаси, рискларни бошқариш тизими ҳамда иқтисодий ўзгаришларга мослашувчанлик даражаси яхшиланди [9].

2019-2024 йиллар давомида Ўзбекистон банк тизимида давлат ва хусусий тижорат банклари ўртасидаги ҳамкорлик сезиларли даражада ривожланди. Давлат банкларини хусусийлаштириш жараёнлари, кредитлаш ҳажмининг ошиши ва молиявий барқарорликнинг мустаҳкамланиши иқтисодиётнинг турли соҳаларига ижобий таъсир кўрсатди. Келгусида ушбу тенденцияларни давом эттириш ва банк тизимини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Қуйида 2017-2023 йиллар давомида Ўзбекистон банк тизимининг асосий кўрсаткичлари келтирилган:

1-жадвал

Ўзбекистон банк тизимининг асосий кўрсаткичлари¹

Кўрсаткичлар	2017	2023	Ўсиш коэффициенти
Банк тизими активлари (трлн сўм)	167	652	3,9
Банк тизими мажбуриятлари (трлн сўм)	145,9	555,1	3,8
Банк тизими жами капитали	20,9	97,1	4,7
Жами депозит қўйилмалари (трлн сўм)	59,6	241,7	4,1
Жами кредитлар қолдиғи (трлн сўм)	-	471,4	
Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи (трлн сўм)	13,6	148,6	10,9
Молиявий хизматлар йиллик ҳажми (трлн сўм)	14,9	107,3	7,2
Кредит ташкилотлари сони	104	204	1,9
Масофавий банк хизматлари фойдаланувчилари сони (млн киши)	4,5	44,1	9,8
Чиқарилган банк пластик карталари сони (млн дона)	19,2	46,6	2,4
Банкомат ва инфокиоскалар сони	5 632	26 655	4,7

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2017-2023 йиллар давомида Ўзбекистон банк тизими сезиларли ўсиш ва ривожланиш кўрсатган. Банк тизими активлари 3,9 баравар, мажбуриятлари эса 3,8 баравар ошди, бу эса банкларнинг молиявий салоҳиятининг мустаҳкамланишини кўрсатади. Жами капиталнинг 4,7 баравар ошиши банкларнинг барқарорлигини ва ишончлилигини оширади. Депозит қўйилмалари 4,1 баравар ошиб, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи ортганини кўрсатади. Шунингдек, жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар 10,9 баравар ошиб, аҳолининг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайганини билдиради.

Молиявий хизматлар йиллик ҳажмининг 7,2 баравар ошиши иқтисодиётнинг умумий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган. Масофавий банк хизматлари фойдаланувчилари сонининг 4,5 миллиондан 44,1 миллионгача ошиши, шунингдек, банк пластик карталари ва банкоматларнинг кўпайиши банк хизматларининг рақамлаштирилишини ва аҳолининг уларга қулай кириш имкониятларини кўрсатади. Умуман олганда, ушбу даврда Ўзбекистон банк тизими сезиларли ривожланиш ва модернизация жараёнларини бошдан кечирди, бу эса мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишига хизмат қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлат ва хусусий тижорат банклари ўртасидаги ҳамкорликни самарали йўлга қўйишда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Ушбу соҳанинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий муаммоларни қуйидаги тоифаларга ажратиш мумкин:

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Банк тизими фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида маълумот”лар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

Меъёрий-ҳуқуқий муаммолар. Регулятив чекловлар – банк тизимидаги айрим тартиб-қоидалар давлат ва хусусий банклар ўртасидаги эркин ҳамкорликни чеклайди. Хусусий сектор учун имтиёзларнинг етишмовчилиги эса давлат банклари кўпинча давлат субсидияларига эга бўлиши натижасида хусусий тижорат банклари билан рақобатда устунликка эга бўлади. Шунингдек, ҳуқуқий ноаниқлик ҳам хусусий ва давлат банклари ўртасидаги ҳамкорлик механизмларининг қонуний асослари тўлиқ ишлаб чиқилмаган ёки амалда тўлиқ қўлланилмайди.

Молия ва инвестиция муаммолари. Давлат банкларининг доминант роли юзасидан хусусий тижорат банклари кўпинча давлат банкларига нисбатан камроқ капитал ва ресурсларга эга бўлади. Рискларни тақсимлаш муаммоси давлат ва хусусий банклар ўртасида хавфларни тенг тақсимлаш механизми самарали йўлга қўйилмаган. Инвестицион маблағларнинг етишмовчилиги бўйича хусусий банклар кўпинча йирик лойиҳалар учун етарли маблағ топишда қийинчиликларга дуч келади.

Технологик ва инновацион муаммолар. Рақамли инфратузилманинг ривожланиш даражаси турлича бўлганлиги боис давлат банклари ва хусусий банклар ўртасида технологик ривожланиш даражаси фарқ қилади, бу эса интеграциялашувни қийинлаштиради. Киберхавфсизлик муаммолари бўйича банклар ўртасидаги ҳамкорликда маълумот алмашинуви хавфсизлигини таъминлаш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Шунингдек, янги технологияларни жорий этишдаги сустрекчилик туфайли финтех компаниялар билан ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Кадрлар ва бошқарув муаммолари. Бугунги кунда банк тизимида давлат-хусусий шериклик масалаларини бошқарадиган юқори малакали мутахассислар кам. Бундан ташқари давлат ва хусусий банклар ўртасидаги ҳамкорликни таъминловчи аниқ бошқарув модели йўқ. Шунингдек, хорижий тажрибаларни ўрганиш ва жорий қилиш механизми ҳам етарли даражада шаклланимаган.

Ижтимоий ва иқтисодий муаммолар. Банк тизимидаги барқарорликка қарамай, айрим ҳудудларда аҳолининг банкларга нисбатан ишончи етарли даражада эмас. Йирик шаҳарлардаги банк хизматлари сифати ва имкониятлари кишлоқ жойларига нисбатан юқори, бу эса молиявий инклюзивликни чеклайди. Шунингдек, хусусий банклар томонидан тақдим этилаётган хизматлар баъзида қимматлиги сабабли кичик бизнес ва тадбиркорлар учун камроқ қулай ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш жоизки давлат ва хусусий тижорат банклари ўртасидаги ҳамкорликни самарали йўлга қўйиш учун ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш, инвестицион муҳитни яхшилаш, инновацияларни жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва банк хизматларини кенг оммага қулай қилиб таклиф этиш зарур. Шу билан бирга, халқаро тажрибадан фойдаланиб, ҳамкорликнинг оптимал моделларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи навбатда амалий тажриба ва тадқиқотлар йўналиши муҳим ҳисобланади. Олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида Ўзбекистондаги

давлат ва хусусий банклар ўртасидаги ҳамкорлик бўйича амалга оширилган ёки ривожланаётган учта асосий амалий мисол ва уларнинг таҳлилини келтирамиз.

Масалан, 2022 йилда Венгриянинг “OTP Bank” гуруҳи “Ипотека банк”нинг давлат улушини босқичма-босқич хусусийлаштириш орқали сотиб олди. Бу Ўзбекистонда илк бор йирик давлат банкининг хусусий секторга интеграцияси сифатида намоён бўлди. Бундан кўзланган асосий мақсад банк фаолиятини халқаро стандартлар асосида рақамли ва корпоратив хизматлар томон трансформация қилиш бўлди. Бунга ечим сифатида эса автоматлаштирилган CRM тизимлари, кредит бериш жараёнларини рақамлилаштириш, ягона омбор ва маълумот платформалари жорий этилди. Бунинг натижасида 2023 йилда банк мижозлари сони 15% га ошиб, рақамли хизматлардан фойдаланувчилар сони 1,3 млн нафарга етди².

Шунингдек, йирик банклар ҳисобланган “Kapitalbank” ва “Milliy Bank” ўртасидаги рақамли инфратузилма бўйича ҳамкорлик амалга оширилди. “Kapitalbank” ўзининг мобил иловалари ва финтех платформалари (Apelsin, Oson, Raume билан интеграция) орқали рақамли хизматлар соҳасида йирик тажрибага эга ҳисобланади. 2020 йилдан кейин, Миллий банк рақамли трансформация стратегияси доирасида бу тажрибага мурожаат қилди. Ечим сифатида API тизимлари орқали маълумот алмашинуви, электрон идентификация (e-KYC) тизимларини жорий этишга эришилди. Бунинг натижасида “Milliy” мобил иловаси янгиланиб, шахсий кабинетлар, QR-кодли тўловлар ва микрокредитлаш хизматлари билан бойитилди³.

Яна бир банк “Hamkorbank” Ўзбекистондаги илк банклардан бири сифатида финтех компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйган ва бу соҳада хусусий сектор билан узвий алоқаларга эга ҳисобланади. Финтех компаниялар билан интеграцияда онлайн микрокредит платформаси (MyCredit, ZoodPay) ҳамда автоматлаштирилган кредит скоринг тизими жорий этилди. Бунинг натижасида микрокредитларни мақуллаш вақти 30 дақиқагача қисқартирилиб, 2023 йилда рақамли кредит маҳсулотлари улуши 45% га етди⁴.

Ушбу амалий тажрибалар шуни кўрсатадики, давлат ва хусусий банклар ўртасидаги инновацион ҳамкорлик асосан рақамли инфратузилмани яхшилаш, финтех интеграциясини кучайтириш ва мижозларга қўлай хизматлар яратиш орқали амалга ошмоқда. Кейинги босқичда ҳукуқий асосларни такомиллаштириш ва молиявий хавфларни баҳолаш орқали бу ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, замонавий банк тизими инновацион технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Давлат ва хусусий тижорат банклари ўртасидаги самарали ҳамкорликни йўлга қўйишда технологик инфратузилманинг ривожланганлиги, рақамли хизматларнинг қулайлиги ва киберхавфсизликнинг мустаҳкамлиги муҳим ўрин тутди. Бироқ, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ушбу соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар

² otpbank.uz расмий сайти маълумотлари

³ Kapitalbank.uz, milliybank.uz расмий сайти маълумотлари

⁴ Hamkorbank.uz расмий сайти маълумотлари

мавжуд. Жумладан, банк тизимида ягона технологик платформанинг йўқлиги, ахборот алмашиш жараёнларининг етарли даражада автоматлаштирилмаганлиги, финтеч компаниялар билан ҳамкорликнинг сустиги ва киберхавфсизликка бўлган таҳдидларнинг ортиб бориши асосий муаммолар қаторига киради.

Мазкур муаммоларни ҳал қилиш учун давлат ва хусусий банклар ўртасидаги технологик интеграцияни кучайтириш, инновацион рақамли маҳсулотлар яратиш, финтеч компаниялар билан ҳамкорликни ривожлантириш, киберхавфсизлик чораларини мустаҳкамлаш ва хорижий илғор тажрибаларни маҳаллийлаштириш зарур.

Биринчи навбатда, банклараро технологик интеграцияни кучайтириш мақсадга мувофиқ. Ягона молиявий платформа яратиш орқали давлат ва хусусий тижорат банклари учун маълумотлар алмашинуви, тўлов тизимлари ва кредит тарихи бўйича ягона экотизим яратиш зарур. Шунингдек, хусусий ва давлат банклари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун очиқ API технологияларини жорий қилиш, банк тизимларининг ўзаро мослигини таъминлаш лозим. Банклар финтеч стартаплари билан ҳамкорлик қилиб, рақамли тўлов тизимларини, ақлли кредитлаш платформаларини ва блокчейн технологияларини ривожлантириши керак.

Иккинчидан, рақамли банк хизматларини кенгайтириш лозим. Онлайн ва мобил банк хизматларини ривожлантириш орқали аҳоли учун қулай ва тезкор рақамли банк хизматларини жорий қилиш, масалан, мобил иловалар ёрдамида тўлов, онлайн кредитлаш ва ҳисоб рақамларини бошқариш имкониятларини кенгайтириш лозим. Бундан ташқари сунъий интеллект ёрдамида банк миждозлари учун автоматлаштирилган маслаҳат бериш тизимларини жорий этиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Учинчидан, киберхавфсизликни кучайтириш. Блокчейн технологиялари асосида транзакцияларни хавфсизлаштириш ва маълумотларнинг ўзгартириб бўлмаслигини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Банкларнинг киберхавфсизлик инфратузилмасини кучайтириш орқали давлат ва хусусий банклар учун ягона киберхавфсизлик стандартларини ҳамда банк миждозларини фирибгарлик ва киберхавфсизлик хатарларидан ҳимоя қилиш бўйича махсус ўқув дастурларини ишлаб чиқиш лозим.

Тўртинчидан, банк тизимидаги инновацион маҳсулотларни кенг ривожлантириш. Смарт-контракт технологияларидан фойдаланиб, автоматлаштирилган кредит бериш ва молиявий келишувларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ижтимоий тўловлар ва субсидия тизимларида инновацияларни жорий этиш ҳисобига давлат томонидан молиялаштириладиган ижтимоий тўловларни автоматлаштириш ва шаффофликни таъминлаш лозим.

Бешинчидан, хорижий тажрибани ўрганиш ва маҳаллийлаштириш. Сингапур, АҚШ, Хитой ва Европа мамлакатларининг илғор банк технологияларидан фойдаланиш ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида инновацион марказлар яратиш орқали Банклар ва IT-компаниялар учун махсус технологик инкубаторларни ташкил этиш лозим.

Молиявий технологиялар бўйича халқаро стандартларни жорий қилиш асосида халқаро регуляторлар билан ҳамкорлик қилиб, молиявий технологияларни жорий қилиш бўйича тартибларни мослаштириш керак.

Хулоса

Юқоридагиларни умумлаштириган ҳолда давлат ва хусусий тижорат банклари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун энг аввало технологик интеграцияни кучайтириш, рақамли банк хизматларини ривожлантириш, киберхавфсизликни таъминлаш ва инновацион молиявий маҳсулотларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу орқали банк тизимининг барқарорлиги ва самарадорлиги ошади, миқдорларга кўрсатиладиган хизмат сифати яхшиланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Маматкаримов, Нодир Баҳодирович // Давлат улуши мавжуд тижорат банкларини хусусийлаштириш масалалари. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*. 4(6), June, 2024.
2. Б.А. Мақсудов // Давлат улуши мавжуд банкларда муаммоли активлар ҳолати ва уларни қисқартириш йўллари. *Илм-фан электрон журнали*. <https://uza.uz/>.
3. С.Ж.Гадоев // Тижорат банкларининг ликвидилигини таъминлашнинг долзарб масалалари. “*Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*” ilmiy elektron jurnali. 1/2022, yanvar-fevral (№ 00057).
4. Д.А. Тошпулатов // Тижорат банкларида рискларни баҳолаш ва бошқаришни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: 2022.
5. М.Махмудова // Тижорат банклари фаолиятида рискларни бошқариш усулларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: 2020.
6. М.Тожиев // Банк рисклари ва уларни бартараф қилишнинг долзарб масалалари. *Иқтисод ва молия / Экономика и финансы* 2018, 8(116).
7. X.R.Ziyodilloyev // Tijorat banklari kredit portfeli tijorat banklari kredit portfeli tahlili va uni optimallashtirish yo‘nalishlari.
8. N.M. Khalilov // Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish yo‘llari. *Journal of Marketing, Business and Management (JMBM)*. Volume 1, Issue 11 (February).
9. Samandar Ahmedov. (2024). Mamlakatimizda tijorat banklari barqarorligi holati tahlili. *Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot*, 2(12), 18–24. <https://doi.org/10.5281/zenodo.14679994>